

ТОШКЕНТ

ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 209 (10.262)

2004 ЙИЛ 27 ОКТЯБРЬ

ПОЙТАХТНИНГ
Бир кун
Янгиликлар, воқеалар

Кўзга

● **КЕЧА** Марказий сайлов комиссияси, Тошкент Давлат юридик институти ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорликларидан ўтказилган давра суҳбати «Демократик сайловлар ўтказишда халқаро стандартлар ва Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилиги» деб номланди.

● **КЕЧА** Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов комиссияси ва матбуот маркази томонидан «Мен биринчи марта овоз бераман» шiori остида Яққасарой туманидаги олий ўқув юртлири талабаларининг сиёсий партиялар шаҳар Кенгашлари раҳбарлари билан учрашуви бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Мирзо Улугбек туманидаги Ҳамза номидаги мусика коллежидан «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан мусика ва шеъринг кечаси уюштирилди.

● **ЭРТАГА** Бектемир туманидаги 289-мактабда «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими, туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорликларида Зулфия номидаги Давлат мектебига номзодларни саралаш босқичи бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Миллий матбуот марказида Ўзбекистон журналистлар иккундлий уюшмаси ҳамда Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорликларида уюштирилган матбуот анжуманида хотин-қизларнинг жамият тараққиётида тугган ўрни ва бу борада оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.


● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигида Аккредитация кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазириликлари ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ҳамкорликларидан бўлиб ўтган анжуман мактаб ёшидаги болалар саломатлигини муҳофаза қилиш муаммоларига бағишланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан замонавий кўшқичлик санъати ҳамда эстрада жанри йўналишидаги муаммоларга бағишланган давра суҳбатида хонандалар, бастакорлар ҳамда кўшқич шоирлар иштирок этишди.

● **АҚМАЛ** Иқромов туманидаги Алихонтура Соғуний маҳалласида туман ҳокимлиги вакиллари ва маҳалла фуқаролари иштирокида ташкил этилган давра суҳбати кишага тайёргарлик масалаларига бағишланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.



Кўрғазмалар

АМАЛИЙ АЛОҚАЛАРГА КЕНГ ИМКОНияТЛАР ОЧАДИ

КЕЧА шаҳримиздаги «Ўзэкспомарказ» савдо кўрғазмалар марказида Textile Expo Uzbekistan» биринчи халқаро кўрғазмаси ўз ишини бошлади.

Ўртимизнинг кўрғазмалар уюштириш борасидаги кўп йиллик ҳамкори — Буюк Британиянинг ITE Group PLC компанияси ҳамда ITE Uzbekistan халқаро кўрғазма компанияси билан ҳамкорликда «Ўзбек-көнгиленаноат» давлат акционерлик компанияси қўллаб-қувватлаши остида ташкил этилган халқаро тўқимачилик кўрғазмасида жаҳоннинг 14 мамлакатининг 70 га яқин етакчи компания ва фирмалари ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда мамлакатимиз энгил саноати иқтисодиёт-

нинг энг самарали тарзда ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Жумладан, инвестиция дастури доирасида янги қўшма корхоналар ташкил этилмоқда, мавжуд ишлаб чиқариш нуқталарида босқичма-босқич асбоб-анжомларни янгилаш жараёни амалга оширилмоқда. Бироқ, тегишли экспорт салоҳияти мавжудлигига қарама-масдан ҳар бир компания ҳам ишончли шерикларни топиш, ўз корхонасини харидорлар ҳамда инвесторларга лозим даражада қўрсата, олиш йўлини топа олмаётти.

Айнан шу боисдан кўпгина тўқимачилик корхоналари ярмарка ва кўрғазмаларда қатнашиб мустақкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатилга интилади. «Textile Expo Uzbekistan» кўрғазмаси ҳам мамлакатимиз ишлаб чиқ-

рувчилари учун хом ашё ва асбоб- ускуналар етказиб бериш билан амалий алоқалар ўрнатиш билан бирга истеъмолчиларга замонавий маҳсулотларини намойиш этиш учун ҳам кенг имкониятлар очмоқда.

Уч кун давом этадиган кўрғазма бўлимларидан тўқимачилик ва энгил саноат учун асбоб-анжомлар, кимёвий моддалар ва бўёқлар, гиламлар, матолар ўрин олган бўлиб, биринчи кунданок мамлакатимиздаги ва хорижий компаниялар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик юзасидан дастлабки шартномалар тузилди.

(Ўз муҳбиримиз)
СУРАТЛАРДА: тўқимачилик кўрғазмасидан лавҳалар.

Наталья Семенова олган суратлар.

САЙЛОВ ДЕМОКРАТИЯНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИДАН БИРИ

26
декабрь —
Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчи-
лик палатасига
ва маҳаллий
Кенгашларга
сайлов кун

Хукукий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш давлат ҳокимиятининг вакиллик органларини шакллантириш билан бевосита боғлиқ. Мамлакатимизда икки палатали парламент, вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига сайловларнинг дунё стандартлари ва инсон ҳуқуқларига риоя этиш асосида ташкил этилиши республика ижтимоий-сиёсий тизимини демократлаштириш ва эркинлаштиришнинг ёрқин мисолидир. Пойтахтдаги «Dedeman Silk Road» меҳмонхонасида ўтган «Демократик сайловларни ўтказишнинг халқаро стандартлари ва Ўзбекистон сайлов қонунчилиги» мавзусидаги халқаро учрашув — давра суҳбатида шу ҳақда сўз юритилди.

Учрашув Тошкент давлат юридик институти томонидан Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг «Ривожланиш мақсадида кўмаклашиш» (БМТ Тараққиёт дастури) дастури, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва Нагоя университети (Япония) билан биргаликда ташкил этилди. Унда дипломатик миссиялар раҳбарлари, халқаро ташкилотлар экспертлари, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Қозғоғистон, Қирғизистон, Россия, Словакия, АҚШ, Туркия, Жанубий Корея, Япония ва бошқа мамлакатлардан сайлов қонунчилиги бўйича мутахассислар, Олий Мажлис депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари иштирок этди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда кўппартиявийликни ривожлантиришга қаратилган сайлов қонунчилиги амал қилмоқда. У ҳудудларга, сайловларнинг ошқоралигини таъминлашга таянади ва сайлов кампаниясини ўтказишда ноқонуний технологиялардан фойдаланишга қарши тўсиқ қўяди, деб таъкидлади давра суҳбатини очар экан, Тошкент давлат юридик институти ректори М.Рустамбоев.

Бу қонунчилик халқаро ҳуқуқ тамойил ва меъёрларига тўлиқ мос келади, хорижий демократик давлатларнинг илғор тажрибаси ва миллий сайлов амалиётига асосланган.

Давоми 2-бетда.

XVI сарфоси
Барча маълумлардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Андижон ва Самарқанд вилоятлари меҳнаткашларининг пахта тайёрлаш бўйича шартнома режасини муваффақиятли бажаришлари муносабати билан ҳар икки вилоят пахтакорлари, ушбу галабага ўз ҳиссасини қўшган барча инсонларга самимий кутлов йўллади.

● Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутатлигига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси бўлажак сайлов ташкилотчилари учун семинар-машғулот уюштирди.

● Наманган вилоятида бир йўла иккита иншоот — Резаксой ва Кенгулсой сув омборлари қурилиши қизгин бормоқда. Хусусан, сизими 660 миллион кубометрга тенг Резаксой сув омборида ҳар ойда 1 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда.

● Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) томонидан республикамизнинг кўна шаҳарларидан бири — Хивага журналистлар учун саёхат уюштирилди.

● Тошкентда «Adidas» ҳамда «Disport» компанияларининг қўшма лойиҳалари меваси бўлиши Ўзбекистонда дастлабки «Adidas» концептуал дўкони очилди.

● Қурилаётган Тошгузар-Бойсун-Кумкўрган темир йўл магистралининг Кумкўрган-Бойсун участкасининг 20 километрлик қисмида синнов таркисида юк поездлари қатнай бошлади.

Жаҳонда

● АҚШда шу йилнинг 2 ноябрида ўтказилиши кутилаётган президентлик сайловларида овоз бериш жараёни бошлаб юборилди. АҚШнинг 8 та штатида ўтказилган овоз бериш жараёнларида 10 миллионга яқин америкалик қатнашди.

● Камерун олий суди Пол Бийянинг президентлик сайловларида галаба қозонганини эълон қилди. Мамлакатни 22 йил давомида бошқарган Бийя сайловчиларнинг 70,92 фоиз овозини олди.

● Эдуард Шеварднадзеининг рафиқаси Мануша Шеварднадзеининг Тбилисда бўлиб ўтган мотам маросимида қатнашган Грузиянинг собиқ ички ишлар вазири Коба Нарчешавили қўлга олинди.

● АҚШ олимлари NASA космик агентлиги учун янги технология яратди. Эндиликда унинг ёрдамида Марс сайёрасига ушатирилган парвоз учун атиги 90 кун зарур бўлади.

● Канадалик олимлар эмизикли болаларга юрак кўчириб ўтказилганида уларнинг иммун тизими хатто донорнинг қон гуруҳи бошқача бўлсада трансплантатни худди ўзиникидай қабул қилишини кашф этдилар.

ҚЎМИТА ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Қўмита раиси А.Аҳадов бошқарган йиғилишда «Кимматли қоғозлар бозорига депозитарийлар фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг Тошкент шаҳридаги ижроси муҳокама қилинди.

Бугунги кунда мамлакатимизда мазкур қонунга мувофиқ қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси, ўттиздан зиёд депозитарий фаолият кўрсатаётди. Уларнинг 13 таси Тошкент шаҳрига тўғри келади. Бу депозитарийларда қарийб 518 минг депонентнинг депо хисоблари юритилаётди. Депо хисобларининг ўн олти мингдан кўпроги юридик ва 510 мингга яқини jisмоний шахсларга тегишлидир.

Йиғилишда айрим депозитарийларда депозитар хисоб юритиш технологиясига тўла амал қилинмаётгани, марказий депозитарий билан электрон алоқани йўлга қўйишда ҳам камчиликлар мавжудлиги, ички назорат етарли даражада эмаслигига эътибор қаратилди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ЧЕХИЯЛИК ФОТОГРАФЛАР НИГОҲИДА

Замонавий санъат марказида «Жаҳон премьераси - Марказий Осиё 40 йил аввал чехиялик сайёҳлар нигоҳида» деб аталган фотокурсама очилди. У Ўзбекистон Бадий академияси, Тошкент фото уйи, Чехиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ташкил этилди.


Курсамада иккита экспедицияни амалга оширган чехиялик сайёҳлар Мирослав Зикмунд ва Иржи Ганзелька 60 асари намоиш этилмоқда. Биринчи экспедиция вақтида 1947-1950 йилларда улар автомобилда Африка, Жанубий Американи кезиб чиққан. 1959-1964 йиллардаги иккинчи экспедиция эса Яқин Шарқ, Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда Индонезия ва Японияда амалга оширилган.

Бу экспедициялар бадий қимматга эга кўлаб очеркларнинг асоси бўлди. Улар дунёнинг кўп тилларига таржима қилинган. Сайёҳлар юзлаб тезкор репортажларни нашр этган, ўнлаб қисқа метражли ҳужжатли фильмларни чиқарган, ўн минглаб фотосуратлардан иборат архив эса бу мамлакатлар ҳаётини яққол кўрсатади.

Курсамада қирқ йил аввал олинган ноёб фотосуратлар билан танишиш мумкин. Фотосуратларнинг кўпчилиги Чехиянинг музейлари ва хусусий коллекцияларида сақланади. «Тог ёнбариди», «Янги театар қурилиши», «Масжид ва минора» каби фотосуратлар фото санъати ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА МУҲБИРИ

САЙЛОВ ДЕМОКРАТИЯНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИДАН БИРИ



Давоми. Боши 1-бетда.

Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов Ўзбекистон сайлов қонунчилиги ЕХТнинг демократик сайловларни ўтказиш бўйича стандартларига мослигини таҳлил қилди.

Сайлов ҳуқуқи тамойиллари 30 дан ортиқ халқаро ҳужжатда ўз ифодасини топган, деб қайд этилди учрашувда. Уларнинг аксариятида сайловларни ўтказишнинг барча халқлар ва давлатлар учун мос келадиган ягона сиёсий тизими ёки услубияти йўқлиги таъкидланган. Ҳар бир мамлакат муайян ижтимоий, тарихий ва маданий шароитда халқнинг иродасини тўлиқ таъминлай оладиган ўз сайлов тизимини яратиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон ўз сайлов қонунчилигининг демократиклиги ва эркинлиги бўйича жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Унда барча асосий халқаро меъёрлар тўлиқ акс эттирилган. У икки

палатали парламент ва давлатнинг бошқа сайланадиган органларини шакллантиришнинг демократик ва ҳуқуқий асосларини яратди, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари амалга оширилишини, кўппартияли тизим ва фуқаролик жамияти институтларининг ривожланишини кафолатлайди, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва сайлов маданиятини оширади. Мухими шундаки, сўнгги вақтда қабул қилинган қонунлар ҳокимиятнинг барча бўғинлари барқарорлиги ва ворисийлигини, уларнинг самарали ишлаши ва ҳамкорлигини таъминлайди. Дунёнинг барча демократик давлатларидаги каби бизнинг миллий қонунчилигимиз ҳам мунтазам равишда такомиллаштирилмоқда - мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг эркинлаштирилиши бунга таллаб этади. Шу сабабли хорижий тажрибани доимий ўрганиш Ўзбекистон учун катта амалий аҳамиятга эга.

Хорижлик мутахассислар Ўзбекистоннинг янги сайлов қонунчилигидаги юридик янгилик ва тамойилларни ҳар томонлама муҳокама қилди. Қизгин мунозара давомида уларнинг халқаро стандартларга жавоб бериши эътироф этилди. Жумладан, ижро ҳокимияти органларидан депутатликка номзодлар кўрсатишнинг бекор қилиниши, сиёсий партияларнинг сайлов кампаниясини давлат маблағларидан молиялаш, сиёсий партиялар томонидан номзодлар кўрсатишда хотин-қизлар учун квота ажратиш, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳ-

лари иштироки каби янгиликлар ҳамда сўнгги вақтда сайлов қонунчилигига киритилган қатор бошқа ижобий ўзгаришлар қайд этилди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг мажоритар ва пропорционал тизимлар унсурларини уйғунлаштирган ўзига хос сайлов қонунчилиги бошқа мамлакатларда катта қизиқиш уйғотаётгани таъкидланди.

Учрашувда эксперт Паула Ньюбергинг (АҚШ) «Демократик сайловларни ўтказиш учун халқаро стандартлар», М.Периданинг (Ҳиндистон) «Ҳиндистон мисолида демократик сайловларни ўтказишнинг халқаро стандартлари, сайлов тизимидаги ислохотлар» мавзусидаги, Ким Юн Сукнинг (Корея Республикаси) Жанубий Кореяда сайлов қонунчилигини ислох қилишга бағишланган, япониялик Шигеру Кодаманнинг ушбу мамлакат парламентининг икки палатали тизими, Леонид Гусевнинг (Россия) демократик сайловларни ўтказишнинг халқаро стандартларидан фойдаланиш борасида Россия тажрибаси тўғрисидаги маърузаси, бошқа мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар экспертларининг чиқишлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

ЕХТнинг Тошкентдаги маркази раҳбари Пэр Нурмарк бундай учрашувлар ҳамкорликдаги ишларнинг йўналишини белгилаш имконини беради, деди. ЕХТнинг демократик сайловларни ўтказиш борасидаги асосий стандартлари Инсон мезонлари бўйича Копенгаген ҳужжатида белгилаб берилган. Бу стан-

дартлар етти асосий тамойил - универсаллик, тенглик, эркинлик, ҳалоллик, махфийлик, аниқлик ва ҳисобдорликдан иборат. Ўзбекистондаги бу галги сайлов кампаниясида аввалги сайловларга нисбатан муайян ютуқлар кўза ташланмоқда. Сайловчиларни кенгроқ хабардор қилиш борасида кўлаб ишлар қилинди. ЕХТ ушбу соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон парламенти билан яқин ҳамкорлик қилмоқда.

Сентябрь охирида халқаро стандартлар бўйича демократик сайловларга тайёргарликни баҳолаш учун ЕХТ миссияси ташкил этилган эди. Унинг натижаларига кўра, Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси сайловларни кузатиш учун Ўзбекистонга ЕХТнинг чекланган миссиясини жўнатишни тавсия қилди.

Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилиги билан танишган, бизнинг қонунчилигимизда ҳам инobatга олса бўладиган ижобий жиҳатлар борлигига амин бўлдим, деди Ҳиндистон Марказий сайлов комиссияси котиби Р.К.Сривастава. Ўзбекистонда сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш борасида бу жараёни янада демократлаштиришга қаратилган энг назик жиҳатлар ҳам пўхта ўйланган. Зеро, сайловлар демократиянинг энг асосий белгисидир.

Давра суҳбати давомида муҳокама этилаётган масалалар бўйича турли фикрлар, ёндашувлар билдирилди.

А.ИВАНОВА,
ЎЗА МУҲБИРИ

Омина КАРИМОВА, профессор:
— Сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳлар томонидан аввало номзодлар танлашда адашмаслик керак. Кўпроқ халқ ичида бўлиб, уларнинг фикрлари яхшилаб ўрганилиши керак. Ҳар бир овоз берувчи депутатнинг сайланиши ёки сайланмай қолишига сабабчи бўла олишини чуқур ҳис этиши лозим. Чунки муносиблар ичида энг муносиб номзодни сайлаб олишимиз жуда муҳим, эртага ундан фақат ўзимиз манфаат кўраемиз.

Депутатга қўйилган талаблар эса жуда юқори. Чунки бугун сайланган депутат эртага жаҳон андозаларига мос ва азалий қадриятларимизни ўзида сақлаб қоладиган қонунлар яратиши, халқнинг ишончи, умид ва орзуларини рўёбга чиқариши лозим.

Бунинг учун депутат аввало инсонпарвар, адолатпарвар, сиёсий маданиятли, ўз касбининг устаси, фаол, яъни ҳар соҳанинг билимдони — профессионал бўлиши керак. Улар Юртбошимизнинг ҳамиша таъкидлаб келадиган «Одамлар барча қийинчиликларга чидаши мумкин, лекин адолат бузилса чидай олмайди» деган пурмаъно ўғитларини эсда тутган ҳолда иш олиб боришлари керак.

Раҳим НОДИРОВ, «Ўрикзор» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси:

— Бўлажак сайловлардан сўнг янги шаклда тузиладиган парламентимиз эртанги кун тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Депутатларнинг ҳам зиммасига энди давлат аҳамиятига эга бўлган қонун ва қарорлар қабул қилиш ва уларнинг

— Икки палатали парламентга бўладиган сайловларда ёшларнинг иштироки ҳам муҳим аҳамият касб этади, албатта. Чунки мамлакатимиз аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил қилади. Айни кунларда бўлажак сайловлар олдида ўтказилаётган учрашувларда иштирок этиб, яхши англаяпмизки, ҳар бир ёш — бу муҳим жараёнда фаол иштирок этишга ҳаракат қилмоқда ва ундан умидлари катта.

Сайланадиган депутат эса jisмонан ва маънан баркамол бўлиши керак. Улар ёш авлодни ёт оқимлар, диний ақидалар, растлик каби қатор бузғунчи фикрлардан сақлаб қолиши, маънавий ва jisмоний тажовузлардан ҳимоя қила олиши керак. У жамиятда тўғри эътиқод, соғлом маънавият ва мўътадил ахлоқнинг шаклланиши учун масъул бўлиши керак.

Турли касб ва ҳар хил ёшдаги кишиларнинг фикрларини эшитиб, шундай ҳулосага келдик: азиз ҳамшахрим, шу улуг Ватан барчамизники. Унинг эртанги келажати, бахт-ибоди сизу бизнинг ҳаракатимизга боғлиқ. Мустақил юрт келажати учун жуда муҳим ўрин тутадиган икки палатали парламентга бўладиган сайловларда барчамиз фаол қатнашайлик, ҳар биримиз ўзимизни бу ишга масъул деб билайлик.

Шовира МУҲАМЕДОВА

Депутат қандай бўлмоғи керак?

ҲАР СОҲАНИНГ БИЛИМДОНИ БЎЛСИН

Маълумки, айни кунларда бутун республикаимизда муҳим жараён — Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳамда маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларга катта ҳозирлик кўриломоқда. Илк бор халқнинг хоҳиш-иродасига таянган ҳолда икки палатали парламентга пойдевор қўйилмоқда. Мустақил Республикаимизнинг ҳар томонлама ривожланиши ва юксалиши учун жуда муҳим бўлган ушбу жараёнда ҳар бир юртдошимизнинг сиёсий фаоллик кўрсатиши эртанги кунга бефарқ эмаслигини кўрсатади. Сайловга ҳозирлик қизгин паллага кирган ушбу кунларда бир гуруҳ ҳамшаҳарларимизга «Депутат қандай бўлмоғи керак?» деган савол билан мурожаат қылдик.

ижросини назорат этиш каби масъулиятли вазифа юкланади.

Демак депутатликка ҳар томонлама муносиб номзод сайланиши керак. Халқ томонидан сайланган депутат эртага одамларни ўз ортидан эргаштира олиши, мавжуд муаммоларни ечишда ташаббускор бўлиши, дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан хабардор, оқу-қорани ажрата оладиган, кишиларнинг орзу-ниятлари, мақсад-муаммоларини давлатга, давлатнинг ривожланиш сиёсатини кишиларга етказа олиши керак.

Қундузой РОЗИМОВА, Тошкент Давлат юридик институти магистри:

Саҳна

СОВРИНЛИ
МУКОФОТ
СОҲИБЛАРИ

Ўзбек кино савтаткорлари томонидан кейинги йилларда яратилган қатор бадий фильмлар халқаро миқёсда оммалашди. «Дев билан Пакана» деб номланган фильм ҳам кўплаб томошабинларга завқ-шавқ бахш этди.

Ушбу ўзбек фильми Россияда рус тилига дубляж қилинди. Шундан сўнг унинг томошабинлари янада кўпайиб кетди.

«Дев билан Пакана»нинг ушбу варианты Россиянинг Анапа шаҳрида ўтказилган навбатдаги халқаро кинофестивалда намойиш қилинди. Бу сафар ҳам экран асари муваффақият қозонди. Шуниси диққатга сазоворки, ижодий кўрик ҳайъати фильмда бош ролларни олиб чиққан актёрлар ижрочилик маҳоратига ҳам алоҳида эътибор берди. Фильмдаги Дев билан Пакана образларини қиёмига етказиб яратганликлари учун Нодир Саидалиев билан Обид Асомовлар совринли мукофот билан тақдирландилар.

НОДИР
МАЪЛУМОТЛАР
ҲУЖЖАТЛИ
ФИЛЬМДА

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти адабий алоқалар ва таржима назарияси бўлими ўз фаолияти давомида талайгина илмий тадқиқот ишларини амалга оширди. Таржима назариясига оид йирик монографиялар юзга келди. Адабий алоқалар тарихини ўрганишда эришилган ютуқлар ҳам диққатга сазовордир. Таниқли адабиётшунос олим Шерали Турдиевнинг ўзбек адабиётининг жаҳон адабиёти билан боғлиқ масалаларга оид изланишлари ҳам салмоқли эди.

«Улар Германияда ўқиган эдилар» деб номланган тўпلام маълумотларга бойлиги билан ажралиб туради.

Ана шу маълумотлар алоҳида ҳужжатли фильмда ҳам ўз аксини топди. Бу экран асари мутахассислар томонидан Республика фильмотекаси жамғармасидан муносиб ўрин олажагига катта ишонч билдирилди.

Акбар АЛИЕВ

— Жорий йилнинг бошида малакали мутахассислар, тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда спортнинг техник ва амалий турлари бўйича болалар спортини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқдик.

Унда ёшларимизни автоспорт, мотоспорт, радиоспорт, амалий спорт, модель спорти, авиация, хизмат итларини тайёрлаш каби йўналишларга кенгрок жалб этиш, уларнинг ақлий ва жисмоний салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда ушбу дастур доирасида талай ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, яқинда Бухоро вилояти Фижудов туманидаги қаровис стадион қартадромга айлантирилди. У ердаги юзлаб ёшлар автоспортнинг қаринги тури билан шуғулланиш имконига эга бўлди.

Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳридаги яроқсиз ҳолга келиб қолган қартадромда ҳам реконструкция ишлари ниҳоятда бошланди.

Марказимизда эса пневматик милтиқдан отиш тири фаолият бошланди. Унда замонавий ўқув-

Маҳсулотнинг харидоригр турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, хилларини талаблардан келиб чиққан ҳолда тез-тез янгилаш нафақат бозорда муносиб ўрин эгаллашда, балки корхона истиқболини яратишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Истиқбол

ИСТИҚБОЛНИ МЕҲНАТ БИЛАН
ЯРАТИШМОҚДА

Шуни назарда тутган ва ташқи бозорда ҳам ўз харидорларига эга бўлган пойтахтимиздаги «Совпластитал» қўшма корхонаси тadbиркорлари тайёрлаётган маҳсулотлари тури 7 минг хилдан ортиб кетди. Ана шуларнинг 700 тури жорий йилда корхона мутахассисларининг изланишлари ҳамда маркетинг ишларининг яхши йўлга қўйилганлиги боис яратилди. «Совпластитал»чиларнинг савий-ҳаракатлари асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар фақат республикамиздагина эмас, балки хорижда ўтказилган халқаро ярмаркаларда ҳам совринли ўринларга сазовор бўлиб, уларга буюртмалар йил сайин ортиб бормоқда. Ушбу маҳсулот турлари Германия, Япония ҳамда Ҳамдўстлик мамлакатларига экспорт қилинаётгани бунга ёрқин мисолдир.

— Корхонамиз қошида ташкил топган ва ўз фаолиятларини муваффақиятли юритаётган «Совпластитал табор», «Совпластитал ва Сонья», «Ташинвестплет» шўъба корхоналарининг янги-янги маҳсулот турларини тайёрлашда муҳим ҳиссалари бор, — дейди бош директор ўринбосари Мукаррам Хужаева. — Миллий миниатюра усталари, моҳир ҳайкалтарошлар билан ҳамкорлик яхши самара бериб, чинни, сопол, шиша, пластмасса ҳамда қуритилган тоғ ўсимликларидан ҳам унумли фойдаланиб ишлаб чиқараётган ранг-баранг халқ истеъмол буюмлари харидорларга манзур бўлмоқда. Шунинг билан ўтишнинг лозимки, ҳозирда «Шўртангаз» корхонасидан келтирилган полиэтилен хом ашёсидан тайёрланаётган турли маҳсулотларимиз сифати ва бирмунча арзонлиги билан бу-

ФАОЛЛИК ВА
НАВҚИРОНЛИК ЙЎЛИ

Мамлакатимизда спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш ва оммалаштириш, асосан, Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, хусусан, унинг тасарруфидоги Республика техник ва амалий спорт турлари маркази зиммасига юклатилган.

Марказ томонидан бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

ЎЗА мухбирининг бу саволига мазкур Марказ бош директори Шариф МҮМИНЖОНОВ шундай жавоб берди:

Услубий синф ҳамда қурол саклаш, кийим алмаштириш хоналари бор. Ҳозир бу ерда олимпия дастурига киритилган мазкур спорт турининг беш йўналиши бўйича машғулот олиб боришмоқда. Айни пайтда жойларда мутахассислар иштирокида ўқув-семинар машғулотлари ўтказилмоқда. Мавжуд муаммо ва камчиликларни ўрганиб, уларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқаямиз. Чекка қишлоқларга ҳам кўма тирлар ўрнатилиб, мактаб ўқувчилари ўртасида милтиқдан отиш беллашувлари ўтказилаяпти.

Ўтган тўққиз ойда мамлакат

миқсидида қирққа яқин мусобақа ўтказилди. Уларда уч минг нафардан ортиқ ёшлар спортнинг йигирмадан ортиқ тури бўйича куч синашди. Биринчи ярим йиллик яқунларига кўра, Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Фарғона ҳамда Андижон вилоятлари вакиллари яхши натижа кўрсатди. Шу йил ёзги биатлон бўйича Қирғизистонда ўтган Осие кубоги мусобақасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган вакилларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни кўлга қиритди.

Пойтахтлик Андрей Разумовский ва Шавкат Исмаилов июль ойида Франциянинг Ча-

толин шаҳрида ўтказилган кема-модель бўйича жаҳон чемпионатида биттадан олтин медалини кўлга киритди. Бу ёшларимизнинг ушбу спорт турларига қизиқишини янада кучайтиряпти.

Таъкидлаш жоизки, марказимиз триатлон (ITU), биатлон (IBU), аэронавтика (FAI), кема-модельчилик (NAVIGA) ва ёзги биатлон (ISCF) бўйича халқаро федерацияларга ҳамда Осие триатлон конфедерацияси (ASTC) га аъзо. Шу йил апрель ойида Ўзбекистон миллий автоспорт федерациясининг ташкил этилиши юртимизда автоспорт ривожига пухта замин яратди.

Эришилаётган бу муваффақиятларга мамлакатимиз раҳбарининг спортни, жумладан, унинг техник ва амалий турларини ривожлантириш ва оммалаштиришга қаратаётган улкан эътибори муҳим омил бўлмоқда. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ҳеч нарсамамлакатни спорт каби дунёга тез машхур қила олмайди.

ЎЗА мухбири
Холмурод САЛИМОВ
ёзиб олди.

ДЎСТОНА
УЧРАШУВ

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маънавий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида Япониянинг Фукуцима-Ўзбекистон ассоциацияси аъзолари билан учрашув ўтказилди.

Фукуцима-Ўзбекистон ассоциацияси Япониянинг Фукуцима шаҳрида ташкил этилган бўлиб, унинг асосий фаолияти мамлакатимиз билан кунчиқар юрт ўртасидаги маданий-маърифий ва иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга қаратилган. Ассоциация вакилларининг ушбу таширдан мақсади Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳарбий асирликда вафот этган япон аскарларнинг қабрларини зiyorат қилиш, шунингдек, Ўзбекистон-Япония дўстлик жамияти билан ҳамкорликда режаларни кўриб чиқишдан иборат эди.

Учрашув давомида ассоциация билан мамлакатимиз ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш борасида келгуси вазифалар белгиланиб олинди.

ТИЛ БИЛГАН —
ЭЛ БИЛАДИ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг талаблари даражасидан чет тилини ўқитишнинг долзарб муаммолари» мавзусида илмий-амалий анжумани иш бошланди.

Халқимизда «Тил билган - эл билади» деган нақл бор. Бу беҳиз айтилган. Хорижий тиллардан хабардор бўлган инсонгина дунёнинг ривожланган мамлакатлари таърибасини ўз юртига олиб кира олади. Ўзбекистонда бугун хорижий тилларни ўрганаётган ёшлар кўпчиликини ташкил этади. Бу эса ўз навбатида олий ва ўрта махсус ўқув юрларида хорижий тилларни ўқитишнинг ташкилий- услубий жиҳатларини янгилаш ҳамда хорижий тилларни ўқитишда узлуксиз ва узвийлик, дастур, дарслик ва бошқа ўқув қўлланмаларини яратиш муаммоларини ижобий ҳал қилишни талаб этмоқда. Ушбу масалаларга бағишланган мазкур анжуманда икки юздан ортиқ олимлар, соҳага алоқадор хорижий мутахассислар иштирок этмоқда. Анжуманда ўқитувчилар томонидан интерактив-коммуникатив услублар асосида очик дарслар ўтказилди.

«Туркистон-пресс»



юртмалар кўпайишида омил бўлмоқда. Айни кунларда янги маҳсулот — мамлакатимизда ўтказилаётган муҳим тадбир — сайловларга мўлжалланган икки хил ҳажмадаги сайлов қутиларини тайёрлаямиз.

Шунингдек, корхона болалар спортини ривожлантиришга муҳим ҳисса қўйиш мақсадида болалар майдончалари учун бежирим ўриндиқлар, хилма-хил полиэтилен пакетлар ҳам ишлаб чиқармоқда. Айниқса, дизайнерларнинг меҳнат маҳорати бўлган эсадилик совғалари ҳар қандай харидор дидига мослиги, мафтуноқлиги билан ажралиб туради.

Ҳар йилги анъана давом этирилиб жамоа аҳлининг кираиб келаётган Янги йил талориги ҳам бошлаб юборилган. Бу, албатта ҳар бир хонадон тўридан жой оладиган ям-яшил арчалар уларни безайишнинг нурафшон чироқлар, ялтироқ ўйинчоқлар бўлиб, улар нафақат кичкинтойларни, балки болаларни ҳам хурсанд этади.

Жорий йилда корхонада 300

турдаги Янги йил учун совга буюмлари тайёрлаш режаланган бўлиб, улар бир-бирини тақдорламаслиги, ўзгача кўриниши, ҳар хил шакли, болажонларнинг сеvimли қаҳрамонлари тисмолини акс эттириши билан ажралиб туради.

Корхонада тайёрланган сифатли маҳсулотларини четга чиқариш, экспорт ҳажмини ортириш ҳам кўзда тутилган бўлиб, йил охиригача 8 миллиард сўмликка яқин маҳсулот тайёрлашга ҳаракат қилинмоқда.

Шу боис ҳам бугунги кунда жамоаниннг ҳар бир ходими изланишида, сиққидилдан ўз ва-зифасини адо этмоқда. Негаки корхона ривожини, ҳар бир маҳсулотнинг харидор топиши уларни руҳлантиради, янги зафарларга ундайди.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: корхонада тайёрланаётган сифатли ва рақобатбардор маҳсулотлар нафақат кундалик турмушда асқотади, балки хонадонингизга ҳам фойз бағишлайди.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

Шарқ дурдоналари



• Айтадилар:

— Ақлли одам етти хил киши билан ўзаро маслаҳатлашмайди. Улар нодон, душман, ҳасадчи, ёлгончи, кўрқок, бахил, нафсига берилган кишилардир. Чунки нодон йўлдан адаштиради:

Хар киши ўз ақлидан

огоҳ бўлар,

Ўзидан гумроҳ бўлар!

Душманинг эса сенинг зарар топишингни уйлайди:

Хар киши ўз душманини

кучсиз санар,

Бир куни кучли

зиёнидан ёнар!

Ҳасадчи эса бор-шудингдан ажралишингни истади:

Ким ҳасад қилса

бировнинг молига,

Охири бўлғай анинг

вой ҳолига!

Ёлгончи эса фикринггни бузиб кўрсатади:

Кимки ёлгон сўзласа

ризки кетар,

Бир куни ёлгон

сўзи бошга етар!

Кўрқок эса дадилликдан қайтаради. Бахил эса бойлик тўплашга харисманд бўлади ва ундан бировга фойда етмайди:

Молу ҳолинг аслида

душман эрур,

Зоҳиран боксанг неча

равшан эрур!

Нафсига берилган киши ҳою-ҳаваснинг асрини билиб нафс тўридан кутулишга кучи етмайди:

Меҳнатинг бирла

нафсга бер жазо,

Қилмасин токи

балого мубтало!

• Айтишларича, Гаштосиб кунлардан бирида ўз ватанидан айрилиб, Кустантаня шаҳрига келиб қолди. Унинг ёнида бир тийин ҳам пули йўқ эди. Ейишга нарса тополмай, оч қолди. Бировдан сўрай деса, иззат-нафис йўл кўймас эди. Унинг ёнига ёшлиги тушди. У болалик пайтида мактабга бораркан, йўл четида жойлашган темирчи дўкони олдида бир оз тўхтаб, темирчиларнинг пичоқ ва болта ясашларини томоша қилар эди ва унинг сиридан бир мунча воқиф бўлиб қолган эди. Гаштосиб кўп йўлаб ўтирмай темирчилар олдида борди ва уларга деди:

— Эй биродарлар, мен ҳам темирчилик сиридан анча хабардорман, мени ҳам ўзларингга шерик қилиб олсаларингиз.

Темирчилар рози бўлишди. Гаштосиб бир неча муддат ишлаб пул йиғди. Сўнг ватанига қайтиб борди. У мартабага эришган пайтида барча ёшу қарини қасбу хунар ўрганишга даъват қилди. Болаларни куннинг аввалида ўқитиб, иккинчи қисмида хунар ўргатишга фармон берди.

Мазкур танлов “Экосан” халқаро жамғармаси, Республика Мудофаа, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

— Ёшларни ҳар томонлама мукамал инсон, замонавий илм эгаси қилиб тарбиялашни замон тақозо этмоқда, — деди жамғарма раиси Юсуфжон Шодиметов. — Мазкур ташаббус мамлакатимиз йигитларини, айниқса, ўспирин ёшдаги йигитларни мард, жасур, жисмонан ва маънан соғлом, она юртини, унинг табиатини эъозловчи, мустақкам иродали, замонавий фан-техника ва қонунчиликдан хабардор ҳар тарафлама етуқ, заковатли йигитларни камол топтиришга

йўналтирилган.

Ю. Шодиметовнинг таъкиллашича, ёшларда атроф-муҳитга эътибор, ўзлари яшаб

оладиган бўлиши дозимлиги эътироф этилди. Бунинг учун эса йигитлардан гайрат, ишбилармонлик, мардлик, мус-

ишларида ўз оиласига ёрдам кўрсата олиши, ҳарбий хизматга ва фавуқлода ҳодисалар юз берганда шоянлиқ ёрдам кўрсата олиши бора-сидаги маҳоратларига қараб голиблар аниқланади.

Мазкур босқичда Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтининг етти нафар талабаси ўзаро беллашдилар. Танловда улар маънавий баркамоллик, адабиёт ҳақидаги билимлари, тадбиркорлик, компьютер саводхонлиги, оила қуришга тайёргарлик, уни бошқариш, табиатга бўлган муносабат, ердан фойдаланиш, жисмоний-ҳарбий тайёргарликларини намойиш этди. Голиблар институтларо ўтказиладиган босқичга йўлланма олдилар.

Алоуддин ҒАФФОРОВ,
“Туркстон-пресс”

ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Тошкент темир йўл транспорти муҳандислик институтида “Экосан” халқаро жамғармаси билан ҳамкорликда “Бир йигитга қирқ хунар оз” шиори остида “Энг ибратли йигит” Республика кўрик-танловининг навбатдаги босқичи ўтказилди.

турган қишлоқ, маҳалла, шаҳарга нисбатан ҳурмат ҳиссини ошириш, турар жойлари тарихини билиши, ўзига хос анъана ва удувларини сақлаш ва бойитиш даркор.

Тадбирда йигитлар турмуш чорраҳаларида зарур бўладиган барча касб-хунарларни — тузатиш, бутлаш, экин экиш, тадбиркорлик, фермерлик, хуллас, оиласини таъминлай

тақил фикрлаш талаб этилади.

Танлов республика миқёсида уч босқичда ўтказилмоқда. Унда 17-25 ёшли йигитлар иштирок этишди. Танловда йигитларнинг маънавий билим даражаси, замонавий техника янгиликларига қизиқиши, ҳуқуқий билимлари, дипломатик маҳорати, чет тилларини билиши, уй-рўзғор

ХАЛҚАРО ПАХТА БОЗОРИДА

Ливерпуль пахта ассоциациясининг (ЛПА) йиллик халқаро анжумани бўлиб ўтди. Унда Европа Иттифоқи, АҚШ, Япония, Хитой, Туркия, Ҳиндистон, Бразилия ва яна қатор мамлакатларнинг йирик компаниялари иштирок этди.

Халқаро пахта бозорида 160 йилдан кўпроқ вақт мобайнида фаолият юритаётган Ливерпуль пахта ассоциацияси бугунги кунда турли мамлакатларнинг 350 дан ортик пахтачилик фирмалари ва компанияларини бирлаштириб турибди, пахта савдоси ва арбитраж масалалари бўйича етакчи халқаро ташкилот ҳисобланади.

Мазкур халқаро анжумани доирасида Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчихонаси тақдим қилган мамлакатимиз энгил

саноати тараққиёти ва сарможий имкониятларига бағишланган маъруза катта қизиқиш билан қутиб олинди. Турли мамлакатларнинг қирқдан ортик компаниялари вакиллари иштирокида ўтган тадбирда энгил саноатининг Ўзбекистон иқтисодиётида туганган мавқеи, “Ўзбекенгилсаноат” давлат акционерлик компаниясининг мамлакат пахта саноатидаги ўрни, тармоқдаги ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва сарможий имкониятлар ҳақида хикоя қилувчи мульти-

медиа ахборот дастури намойиш этилди.

Ливерпуль пахта ассоциацияси президенти Эндрю Макдональд “Жаҳон” АА муҳбири билан суҳбатда Ўзбекистон пахта ишлаб чиқариш ва экспорт қилишда етакчи мавқега эгаллигини билдириб, сўнгги йилларда ўзбек пахтасининг сифат кўрсаткичлари ошиб бораётганини қайд этди. ЛПА президенти, шунингдек, яқин кунларда Ўзбекистонга ташриф буюриб, кейинги йилнинг май ойида Тошкентда халқаро пахта анжуманини ўтказиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни муҳокама қилиш ниятида эканини айтди.

Авазбек ХОЖИМОВ,
“Жаҳон” АА,
Ливерпуль.

Хонадонларимиз озодалиги, ҳовлиларимизнинг саранжом-саришталиги кўли гул ўй бекаларимиз жонқуярликлари эвазига бўлса, шаҳримиз кўчалари, хиёбонларининг тоза ва озодалигида эса «Махсустрас» хизмати ходимларининг меҳнатлари катта эканлигини ҳар доим ҳам англаб етавермаймиз.

Ноқизалик

БЕМИННАТ ХИЗМАТ КЎРСАТИШМОҚДА

Дарҳақиқат, ушбу соҳа ишчи-хизматчиларининг маҳалла-кўйларимиз, уйларимиз олдида тўпланиб қолган чикиндиларни ўз вақтида йиғиштириб олишлари сабаб, барчамиз тоза ҳаводан эркин нафас оламиз, кўнглигимиз хотиржам бўлади. Шу боис ҳам мазкур ишчи-ходимларни «кўча санитарлари» дея таърифлаш мумкин.

Сергели туманидаги «Махсустрас» автокорхонаси ҳам ўз олдида кўйилган вазибаларни ўринлатиб удалаётган жамоалар қаторига кирди. Айни пайтда ушбу ҳудудда 250 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади ва шунга яраша бу хонадонлардан кунига жами минглаб тонна ахлат уюмлари тўпланиб қолади. Албатта, чикинди қанча кўп туриб қолса, атроф-муҳитда нохуш ўзгаришлар пайдо бўлади, нафас олиш қийинлашади, кишилар са-

ломатлигига ҳам салбий таъсир кўрсатиши тайин. Лекин чикиндиларнинг узоқ вақт туриб қолишига туман «Махсустрас» хизмати ходимлари йўл қўйишмайди. Уларни ўз вақтида йиғиштириб олиш, саранжом-саришта ҳолатга келтириш ишларига туманда 177 нафар ишчи, 48 та авто-транспортлар ажратилган. Улар ҳозирда тумандаги 912 корхона-ташкilotлардан ташқари, 40 дан зиёд маҳаллаларга ҳам беминнат хизмат кўрсатишмоқда.

— Меҳнат қилганидан сўнг унинг, самарасини қуришни хоҳлайсан, — дейди туман «Махсустрас» хизмати раҳбари Виталий Ботиров. — Шу кунга қадар ўз вазибаларимизга сидқиқилдан ёндошиб меҳнат қилиб келмоқдамиз, аммо шунга қарама-сан сўнгги пайтларда аҳолининг корхонамиз олдидаги қарзлари ортса ортиб

бормоқдаки, камайгани йўқ. Шу бугунга қадар уларнинг қарзи салкам 2,5 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Суриштиришларга қараганда шу нарса ойдинлашдики, қарздорлар орасида кўпчилики ўзига тўқ, обрў-эътиборли фуқаролар ташкил этмоқда. Улар орасида хатто маҳалла оксоқолининг ҳам борлиги кишини ўйлантиради. Шундан келиб чиқиб, айни чоғда аҳолидаги қолган маблағларни ҳам ўз вақтида йиғиштириб олиш учун ҳовли-хонадонларга, кўп қаватли уйлارга 30 нафар омилкорлар жалб этилган. Уйлаймизки, бу ишлар келгусида ўз самарасини беради.

Усмон АЗИЗОВ
СУРАТДА: «Hundai» машина ҳайдовчиси Марат Омонкулов ва корхона раҳбари Виталий Ботиров йўлга чиқиб олдилар.
Муаллиф олган сурат.

Маълум
НУФУЗЛИ
ЎҚУВ-ИЛМИЙ
МАРКАЗ

Бугунги кунда Ўзбекистонда чет эл олий ўқув юртларининг бир нечта шохобчалари фаолият кўрсатмоқда. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент шохобчаси эса республикамизда очилган биринчи хорижий мамлакат олий ўқув юрти шохобчаси эканлиги билан ажралиб туради.

Эндиликда ўқув-илмий марказ мақомини олган бу илм-фан даргоҳининг юзага келишида Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида «Олий таълим соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида» тузилган давлатлараро битим асос бўлиб хизмат қилди.

Бугунги кунда марказда 500 га яқин талаба ўқимоқда. Улар ўқув жараёнида илмий изланишлар билан ҳам шуғулланмоқдалар. Марказ кафедраларида талабалар илмий тўғрақлари ишлаб турибди.

Иқтидорли ёшлар ўзларининг энг яхши тадқиқотлари билан Москвада ўтказилган халқаро Плеханов ўқишларида қатнашдилар. Халқаро банк ва савдо маркетинги, миллий иқтисодиётни ривожлантиришга доир илмий ишлар эса Россия иқтисодиёт академияси томонидан тақдирланди.

Аҳмад АББОСОВ

Шарҳовчи**микбари****СУДАН
ТИНЧЛИГИ
— ҚИТЪА
ТИНЧЛИГИ**

Ливия пойтахти Триполи асосий эътиборини Суданнинг Дарфур вилоятида юзага келган тангликка қаратди. Бундан ташқари, қитъадаги қашшоқлик, соғлиқни сақлаш борасидаги муаммолар, қочқинлар тақдирини ҳал этиш масалалари ҳам муҳокама этилди.

Саммитда Судан ҳукумати вакиллари билан бирга исёнчи гуруҳ раҳбарлари ҳам иштирок этди. Мақсад — мамлакатдаги қонли тўқнашувларга барҳам бериш.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабарига кўра, 2003 йил февралдан буён давом этиб келаётган беқарорлик оқибатида етмиш мингдан зиёд одам қурбон бўлган. Миллионга яқини бошпанасиз қолиб, қочқинга айланган. Айти пайтда уларнинг аксарияти қўшни Чад ҳудудидаги лагерларда жон сақламоқда.

Дарфурдаги инқироз жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солмоқда. Шу боис муаммони тинч йўл билан ҳал этиш мақсадида қатор ташаббуслар илгари сурилмоқда. БМТ Хавфсизлик кенгаши Судан ҳукуматиға мурожаат қилиб, Дарфурдаги беқарорликка тезроқ чек қўйишни талаб қилди ва акс ҳолда, мамлакатга нисбатан жазо чоралари қўлланилишини билдирди. Аммо ҳозирча Судан ҳукумати вазиятни жиловлаб олгани йўқ.

Халқаро кузатувчилар Дарфур муаммосига барҳам берилмас экан, бу можаро нафақат Судан, балки қитъадаги бошқа мамлакатлар учун ҳам салбий оқибатлар келтириб чиқаришини таъкидламоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сўнги маълумотларига кўра, Дарфурда қуролли тўқнашувлар авж олиши, турли юқумли касалликлар тарқалиши ва очлик туфайли минглаб одам ҳаётдан қўй юммоқда. Бироқ Судан ташқи ишлар вазири Муस्ताфо Усмон Исмоил буни рад этди.

Саммитда Африка иттифоқининг Дарфурдаги тинчликни сақлаш кучлари сонини кўпайтириш борасида расмий Хартум билан келишувга эришилди. Ноябрь охиригача бу ердаги халқаро қўшин сонини 4,5 мингга етказиш режалаштирилмоқда. Айти пайтда мамлакатда Руанда ва Нигериядан келган уч юз нафар ҳарбий фаолият кўрсатмоқда.

Жасур КЕНГБОВ

ЎЗА



Диккайт, янглик!

**МАҲАЛЛАДА ЎҚУВ
МАРКАЗИ**

Кейинги пайтларда шаҳримиз маҳаллалари ҳудудида турли хил марказлар ташкил этиш хайрли анъанага айланиб бораётганлиги қувонарли ҳол. «Ватан ичра кичик бир Ватан» ҳисобланмиш маҳаллаларни обод, кўркам масканга айлантириш, ишсиз фуқаролар учун иш ўринлари яратиш ҳақиқатан ҳам хайрли юмушлардан ҳисобланади. Чунки маҳалла обод бўлса халқ ҳам фаровон ҳаёт кечириши табиий. Дарвоқе, шу ўринда шаҳримиздаги кўпгина маҳаллалар ҳақиқатан ҳам ҳавас қилса арзигулки масканга айланиб бораётганлиги, улар ҳудудида бири-бирдан гўзал, серҳашам гузарлар бунёд этилаётганлиги кишини қувонтиради.

Шайхонтоҳур туманида жойлашган «Гуллобод» маҳалласи фуқаролар йиғини ташаббуси билан яқинда хайрли ишга қўл урилди. Маҳалла ҳудудида «Билим салтанати» ўқув маркази фаолият бошлади. «Чорсу» бозори рўпарасида жойлашган ушбу марказ айтиш жоизки, маҳалла фуқароларига ўзига хос совға бўлди. Чунки Сурайё Миррахимшоева раҳбарлик қилаётган ушбу марказда ёшлар, асосан хотин-қизлар Европа ва уйғур миллий таомлари тайёрлашни ўрганадилар. Би-чиш-тиқиш сирларидан малака ошириш курслари ташкил этилганлиги эса айти мудоа. Дарвоқе, ушбу марказда ўқишни хоҳлаганларга қандолат маҳсулотларини пишириш усуллари, парда, чойшаб, ёстиқлар тикиш ва безаш билан бирга либосларга мунчоқ қадашдан ҳам сабоқ берилади. Бундан ташқари аёлларга уй ҳамшираси курси бўйича дарслар ўти-

ди. Бундан мақсад уларнинг тиббий малакасини ошириш ва беморга биринчи ёрдам кўрсата оладиган ходим бўлишига қўмаклашиш. Шунч қувонч билан таъкидлаш жоизки, ҳар бир аёл гўзал ва ораста юришни хоҳлайди. Шу мақсадда «Билим салтанати» ўқув маркази раҳбарияти ташаббуси билан косметология хонаси ва аёллар, эркаклар сартарошхоналари учун ходимлар тайёрлаш курслари ҳам ташкил этилди.

— Очиғини айтиш керак, маҳалламиз аҳолисининг кўпчилигини хотин-қизлар ташкил қилади, — дейди биз билан суҳбатда «Гуллобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хуршид ака Умаров. — Биласиз, оилада аёлларнинг ўрни бўлакча. Шу боис уларга касб-хунар сирларини ўргатиш муҳим масала. Ҳозирдан марказимизда таҳсил олиш ниятини билдирган хотин-қизларнинг саяи кенгайиб борапти.

«Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси Мехр ва мурувват йили доирасида болаларни соғломлаштириш ва аҳолиға мурувват ёрдамиға кўрсатишға йўналтирилган қатор дастурларни амалға оширмоқда.

БОЛАЛАРГА ЁРДАМ

«Соғлом авлод учун» жамғармасида Тошкентдаги эшитиш қобилияти заиф болалар учун махсус муассасалар тарбияланувчиларига эшитиш аппаратларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Тадбир жамғарманинг эшитиш қобилияти заиф болалар ва қарияларни бундай мосламалар билан таъминлаш бўйича янги дастурини амалға оширилишини бошлаб берди. Ана шу мақсадда Финляндия

ҳукуматининг 15 миллион сўм миқдоридаги мақсадли гранти маблагига Германиянинг «Hortman Audifon GmbH» компаниясидан эшитиш аппаратлари сотиб олинди.

Жамғарма мосламаларни топширишдан аввал 2-Тошкент Давлат тиббий институтини билан ҳамкорликда кам таъминланган оилалар фарзандлари ва 102 ҳамда 106-сонли махсус интернатлар тарбияланувчилари

ри учун энг яхши мутахассисларнинг тиббий маслаҳатини ташкил этди. Бунда ташхис қўйишнинг илғор Фарб услублари ҳисобга олинди. Шифокорлардан бири бу услублар билан танишиш мақсадида Германияға малака оширишға юборилди.

Бундан ташқари яқин вақт ичида олинган эшитиш аппаратларининг бир қисми республиканинг чекка ҳудудларига кам таъминланган оилалар фарзандларига тарқатиш учун жўнатилди.

**ИНСОФ САРИ —
БАРАКА**

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришға кенг йўл очилиб, мулкдорлар сафи тобора кенгаймоқда. Бу эса жамият раванки ва тараққиётининг муҳим омилларидандир.

Яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, нафақат ўзи сармоя орттираётган, балки атрафидаги ёрдамға муҳтож кишиларға ҳам мурувват кўрсатаётган тадбиркорлар билан фарҳансак арзийди. Бироқ улар орасида инсоф дибанати унутиб, таъбир жоиз бўлса, «беш бармоғини оғзига тикиш»ға уринаётганлари ҳам йўқ эмас.

Донишманд халқимиз «Инсоф сари — барака», деган нақлани беҳиж айтмаган. Лекин пойтахтимизнинг Юнусобод туманида фаолият юритаётган «Севара-фарм» хусусий фирмаси ходимлари бунини унутиб қўйган экан. Фирма дорихонасида ўтказилган текширувда қуниқ тушум 121 минг 600 сўмни ташкил этгани ҳолда, назорат касса машинасида бор-йўғи 250 сўм қайд этилгани шундан далолат эмасми?

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютаға оид жиноятларға қарши курашиш департаменти ходим-

лари бундай қонунбузарликларни бартараф этиш мақсадида изчил чора-тадбирларни амалға оширяпти.

Департамент матбуот хизматидан маълум қилишларида, номи қайд этилган фирма дорихоналарида тегишли тартибда кириб қилинмаган 5 миллион сўмликдан зиёд дори-дармон борлиги аниқланган.

Тошкент шаҳар Мирфё Улуғбек туманида жойлашган «Уют» мебель савдо дўконида йўл қўйилаётган қонунбузарлик бундан кам эмас. Дўкон сотувчиси В.Ганске «Олимпия» мехмонхона мебель тўпламини 4 минг 400 АҚШ доллари 20 минг 800 сўмға сотиб, харидорға касса чеки бермади. Чунки у савдодан тушган пулни назорат касса машинасида қайд қилмаганди.

Текширувда хусусий тадбиркорлар В.Расмұхамедов ва В.Ганскеға тегишли дўконда 14 турдаги 16 миллион 110 минг сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган ҳужжатсиз мебель борлиги аниқланди.

Тақдим қилинган ҳужжатлар билан дўкондаги мавжуд товар солиштирилганда 42 миллион сўмлик қамомад борлиги маълум бўлди.

Савдо қондаларига риоя қилишдан кўра, ўз ҳамёнини ўйлаётган бундай «уддаборонлар» энди қонун олдида жавоб бериши табиий.

Н.АБДУРАИМОВА,

ЎЗА муҳбири



Би-чиш-тиқишдан ташқари, уй ҳамшираси, қандолатчилик маҳсулотлари тайёрлаш, аёллар ва эркаклар сартароши қабини ҳам хотин-қизларға ўргатиш Сурайё ёхоннинг истаги билан амалға оширилгани кишини қувонтиради.

— Аёлларнинг жамиятда фаоллигини ошириш, хуқуқий саводхонлигини юксалтириш, ишсизларни иш билан таъминлаш бугунги куннинг долзарб талаби, — дейди суҳбатға қўшилган «Билим салтанати» ўқув маркази раҳбари Сурайё Миррахимшоева. — Ана шу мақсадда ҳам ушбу марказ ташкил этилди. Ҳозирда марказда ўқиётганларға 10 нафар ўз ишининг усталири бўлиш ўқитувчилар сабоқ беришмоқда. Дарвоқе, марказда ўқувчиларға инглиз тилидан ҳам сабоқ берилади. Айтганча, «Билим салтанати» ўқув марказини тугаллаган хотин-қизларға дипломлар ҳам берилади.

Биз марказ фаолияти билан яқиндан танишган, шу нарсаға амин бўлдики, маҳалла хотин-қизларининг касб-хунар эгаллашлари ва пухта билим олишлари учун барча шароитлар яратилган. Бир неча ўқув хоналари ва ўқув жиҳозлари мавжуд. Ҳақиқатан ҳам бу масканда ўз ишининг усталири фаолият олиб бормоқда. «Билим салтанати» ўқув марказидан қайтар эканмиз, шаҳримизнинг ҳар бир маҳалласида ана шундай зиё масканлари ташкил этилса, нур устиға аёло нур бўлишиға яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.

Ақбар Йўлдошев

СУРАТЛАРДА: «Билим салтанати» ўқув маркази фаолиятдан лавҳалар. Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

**ИНДОНЕЗИЯНИНГ
ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ**

Индонезиянинг янги президенти Суцило Бамбанг Юдойоно расман ўз вазифасини бажаришға киришди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тантанада кўплаб хорижий давлатлар вакиллари ҳам иштирок этди.

Ҳинда Индонезияда давлат раҳбарлиғига илк бор тўридан-тўри умумхалқ сайлови бўлиб ўтди. Энг олий лавозим учун асосан икки номзод — амалдаги президент Мегавати Сукарнопутри ҳамда ис-тефодаги генерал Суцило Бамбанг Юдойоно ўзаро курашди.

Иштирокчиларнинг 61 фоизи генерал учун овоз берди. М.Сукарнопутри 39 фоиз овоз билан чекланишға мажбур бўлди.

Индонезиянинг 60 йиллик тарихига атиқи олти президент қирган. Мамлакат узоқ йил ҳарбий бошқарув остида бўлган. Бу гал ўтказилган илк умумхалқ сайловида 116 миллион киши овоз бериш жарағинида иштирок этди.

Кузатувчиларнинг фикрича, янги раҳбар олдида қатор муаммоларни ҳал этиш, жумладан, иқтисодийнинг оёққа турғазини, мамлакатда авж олиб кетган коррупция ва уюшган жиноятчиликка чек қўйиш вазифалари турибди.

Айтиқса, иқтисодий муаммоларға барҳам бериш ғоят долзарб масала. Маълумотларға кўра, айти пайтда мамлакатнинг ички ва ташқи қарзлари 138 миллиард АҚШ долларига тенглашган. Устиға-устя, ишсизлар қундан-қун кўпайиб бормоқда.

Марказий бошқарув тизими ҳам анча сустлашган. Шу боис чекка ҳудудлар, хусусан, Ачех, Малуку, Папуа каби вилоятларда бошбошқоқлик авж олмоқда.

Фазлиддин АРЗИЕВ,

ЎЗА шарҳловчиси

Спорт

ЁШ КУРАШЧИЛАР БАҲС ЮРИТДИ

Шаҳримиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида Ўзбекистон ва Тошкент шаҳар белбоғли кураш федерациялари ташаббуси билан 1988-1990 йилларда туғилган кураш ўртасида белбоғли кураш бўйича пойтахт очик чемпионати беллашувлари бўлиб ўтди. Унда юзга яқин ёш кураш усталари иштирок этди.

Пойтахт туманлари вакиллари ва меҳмонлар — Тошкент вилояти Қўбрай туманилик спортчилар 32 килограммдан 77 килограммгача ва ундан ортиқ — жами 11 вазн тоифасида галаба учун кураш олиб бордилар. Турнир ҳакамлари ва мутахассислар ёшлар маҳорати чарчани бораётганини эътироф этишди.

Энг энгил вазнда икки юнусободлик ёш полвон финалда ўзаро рубару келди. Унда галаба Б.Абдувоҳидовага насиб этди. 35 килограммгача вазнда яна бир юнусободлик курашчи Ж.Обидов ва Акмал Икромов тумани вакили Н.Қурбоновлар галаба учун баҳс юритишди. Ушбу кескин беллашувда Н.Қурбонов зафар кучди.

Кейинги вазнда ҳам Акмал Икромов туманилик А.Қамоловга тенг келадиганлар топилмади.

46 килограммгача вазнда эса Д.Қамолов (А.Икромов тумани) хурмат шохсупасининг энг юқори погонасини эгаллади.

Қолган вазнларда У.Қаюмов (Акмал Икромов тумани), Ю.Юсупов (Қўбрай тумани), Ш.Боймўхамедов (Чилонзор тумани), Ф.Абдувоҳидов (Ҳамза тумани), З.Зиёев (Миробод тумани), Б.Исроилов (Сергели тумани), Б.Шокиржонов (Миробод тумани) биринчи ўринларни эгаллаб, бош мукофотларни қўлга киритдилар.

Энг оғир вазнда эса Миробод тумани вакили Т.Шокиржонов голиблар сафини бошқарди. Голиблар дипломлар, медаллар ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ҚАТНАШИШАДИ

Маълумки юртимизда буюроча кураш билан бир қаторда фарғонача белбоғли кураш ривожига ҳам муҳим эътибор қаратилмоқда.

Тез кунларда қадимий ва ҳаммиса навқирон Шаҳрисабз шаҳрида белбоғли кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати ўтказилади. Ҳозирги кунда чемпионатда қатнашадиган полвонлар — Шўҳрат Исоков (Андижон), Искандар Маҳаматов (Тошкент), Ихтиёр Эгамов (Андижон), Муҳиддин Ашуров (Андижон), Дилмурод Рўзиев (Тошкент) ва Зоҳид Ортиқов (Тошкент) нуфузли мусобақага жиддий тайёргарлик қўришмоқда.

Биз Қирғизистон, Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон ва Россия давлатлари полвонлари қатнашадиган жаҳон чемпионатида белбоғли курашчиларимизга омад тилаймиз.

(Ўз муҳбиримиз)

ИЖТИМОЙ ЛОЙИХАЛАР

Жанубий Кореянинг LG Electronics компанияси «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари билан ҳамкорликда биринчи бор «LG гранти» ва «Йилнинг энг яхши гоёси» ижтимоий лойиҳалари бошланганлигини эълон қилди.

— LG Electronics компанияси Ўзбекистонда ўз фаолиятини олти йил олдин бошлаган, — деди компания вакили жаноб Ким Жонг. — 2003 йилда компания ўз олдига фақат маҳсулотларини Ўзбекистон Бозорида илгари сурибгина қолмай, балки жамоат ва ижтимоий фаолиятга ҳам қатта аҳамият бера бошлади. Бунинг учун махсус «LG Ўзбекистонга меҳр билан» дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унинг доирасида иккита ижтимоий дастур «LG гранти» ва «Йилнинг энг яхши гоёси» танловлари ўтказилди.

Ижтимоий дастурларнинг асосий мақсади Ўзбекистоннинг янги йолларга интилган, мураккаб ривожда илмий тадқиқотлар олиб бориш имкониятларини излаётган истеъдодли ижодкор ёшларини қўллаб-қувватлашдан иборат. Мазкур ижтимоий лойиҳаларни ўтказиш Ўзбекистон ҳукуматининг инсон ресурсларини ва мамлакатнинг келгуси имкониятларини ривожлантириш мақсади ларига қўмаклашади.

«LG гранти» дастури Тошкент шаҳри-

даги олий ўқув ортиларининг бакалавр талабалари ўртасида ўтказилади. Дастурда иктисодиёт, педагогика, муҳандислик, тиббиёт, молия, ҳуқуқшунослик, журналистика, ахборот технологиялари, транспорт ва логистика, қишлоқ хўжалиги йўналишидаги талабалар иштирок этиши мумкин. Танловда ўн нафар голиб аниқланиб, улар LG Electronics компаниясидан 500 минг сўм миқдорда пул мукофотини оладилар. Грант миқдори талабанинг таълим шартномасини тўлаш учун ўқув юрти ҳисоб рақамига ўтказилади.

2004-2005 йиллар мобайнида компаниянинг LG грантларига эга бўлган ўн нафар талаба ўртасида ўзаро муносабатларнинг ривожланиши кўзда тутилади. Талабалар ўртасида ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришдан мақсад Кореяга ва LG Electronics компаниясининг заводларидан бирига ташриф буюриш имкониятини қўлга киритадиган энг истеъдодли талабани аниқлашдан иборат.

Ҳамкорлик

GERMANYA САФАРИ ТААССУРОТЛАРИ

«Рабат Малик» саяхатчилар уюшмаси негизида бир йўла учта клуб фаолият кўрсатмоқда. «Ер замини дўстлари» экологик, «Шарқ кўприги» этнографик клублари томонидан амалга оширилаётган тадбирларда айниқса кўпчилик қатнашмоқда.

Ушмада илмий изланишлар билан шуғулланаётган ёшлар яқинда Германия сафарига бўлиб қайтидилар. Бундай саяхат «Впр» немис ташкилоти саяхат-ҳаракати билан уюштирилди.

Ун кун давомида улар тенгдошлари турмуш тарзи билан яқиндан танишдилар. Ҳарч тоғи қилинган саяхат ҳам қизиқарли бўлди. Шунга ҳам айтиб ўтиш жоизки, тоғ ёнбағирларида қиқшидан олдин топография бўйича билмилари синаб кўрилди.

Берлин шаҳри бўйлаб қилинган сайрлар чоғида қатор тарихий музейлар билан таништирилди. Шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари ҳам ёшларда яхши таассурот қолдирди.

«Рабат Малик» саяхатчилар уюшмасининг бу каби ибратли фаолияти ёшлар ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Анвар ВАЛИЕВ

Қаҳқаҳа

— Жаноб профессор, — деб мурожаат қилди бир йигит Биллротга, — нега ичимлик ёшларнинг миёсигаю, кексаларнинг оёқларига таъсир қилади?

— Ичимлик ҳаммиса заиф жойни қидиради-да, — деб жавоб берди Биллрот.

Таниқли рассом Макс Слефогт машҳур бўлмасидан олдин жуда қийинчилик билан кун кеңирар эди. Бир куни бир харидор у чизган расм олдида узок вақт туриб қолди.

— Бу расм шунчалик ажойиб эканки, унга қараб ҳеч тўймаганман! — деди у.

— Мен ҳам, — жавоб берди Слефогт, — шунинг учун ҳам уни сотмоқчи бўлиб турибман-да!

Француз математиги Ампер хаёлан мураккаб ҳисоб-китоб қилиб бораркан, худди аудиториядагиға ўхшаб қора тахтага дуч келиб қолди. У суюнғанидан тахта ёнига чопиб бориб, доимо чўнтагида олиб юрадиган

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш дастурини амалга ошириш йўлида «Тошшаҳарйўловчигран» акционерлик компанияси бошқаруви ҳам жонбозлик кўрсатмоқда. Компанияга қарашли корхона ва саройларнинг кўпчилиги ўз худудларида жойлашган маҳаллаларни оталиғига олиб, спорт ишларини жонлантиришга яқиндан ёрдам бермоқда.

Ёшлар — келажакимиз

МАҲАЛЛА БОЛАЛАРИ БЕЛЛАШАДИ

Шу ўринда 12-автотбус саройи, 2-автоткомбинат, 7-автотсарой, 2-троллейбус саройи жамоаларининг «Дўстлик», «Қатта Қаъни», «Мевазор», маҳаллалари билан ҳамкорлигини алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиздир.

2-троллейбус

саройига қарашли спорт иншоотларидан ҳам маҳалла болалари фойдаланишмоқда. Бу ерда ўтказилган навбатдаги мини футбол мусобақаси ҳам маҳаллалар болаларига қатта завқ-шавқ бахш этди.

Унда ўнга яқин ёш футболчилар жамоаси

қатнашиб транспорт ходимлари Тошкент шаҳар касаба уюшмаси кўмитаси совринини қўлга киритиш учун беллашдилар. Мусобақаларда 8-автотбус саройи ёш футболчилари ҳам голиб сифатида эътироф этилди.

Аъзам ЁДГОРОВ.

САНЪАТ СЕҲРИ

Ўзбекистон Давлат консерваториясида Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Ботир Расулов ижодининг 40 йиллиғига бағишлаб концерт ўтказилди.

Кечада симфоник оркестри жўрлигида дилбар кўшиқ ва оҳанрабо куйлар янгради. Кўшиқларни Ботир Расулов ва Элдор Азимовлар куйлашди.

Гулчехра ДУРДИЕВА



Сўзсиз сурат.

Абдурасул Ҳакимов чизган расм.

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар — 133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 бома табоқ оғеет усулида бошланади.
2680 нускада бошланади. Қотог битими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқишони»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-матбоа акционерлик компанияси бошқармаси.
Корхона манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.